



НОКИМИ

ҚАРОР - ҚАРОР

2010 yil "2" декабр

№ 1521-К
Samarqand tumani

Тумандаги «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини Усмон Юсупов» кўчаси 127 уйда яшовчи фуқаро Усмонов Бахронкулга тегишли уй-жойини бир қисмини турар-жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиш ҳақида

Тумандаги «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Усмон Юсупов» кўчаси 127 уйда яшовчи фуқаро Усмонов Бахронкул туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2010 йил 22 ноябр 1409-Қ сонли қарорига асосан унга тегишли бўлган уй жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга, фуқаро Усмонов Бахронкулга тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишли ташкилотларнинг хулосаларини, оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Усмон Юсупов» кўчаси 127 уйда яшовчи фуқаро Усмонов Бахронкулга тегишли умумий 856,13 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойнинг қурилиш тагидаги ер майдони 452,10 м.кв. дан иборат, шундан А-литердаги 4-та омборхона 195,78 м.кв, А-1 литердаги 1-та омборхона 52,66 м.кв, А-2 литердаги 1-та айвонча 17,43 м.кв, А-3 литердаги 1-та айвон 47,34 м.кв. ва А-6 литердаги 1-2-3-чи ертўлалар 61,67 м.кв. жами: 374,88 м.кв қисми ишлаб чиқариш цехи сифатида фойдаланиши учун нотурар жой тоифасига ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини (М.Рахматова)га фуқаро Усмонов Бахронкулга тегишли уй-жойни бир қисмини нотурар жой тоифаси (ишлаб чиқариш цехи)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Усмонов Бахронкул зиммасига: а) ишлаб чиқариш цехининг ташқи кўринишини лойиха асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклатилсин.

4. Мазкур қарор рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani



Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2012 yil "6" dekabr

Samarqand tumani

1529-Q Sonli

**Фуқаро Халимов Анварга «Автокөппинг»
қуриш учун 3,0 га мелиоратив қурилиш
ҳолатидаги ер майдони ажратиш ҳақида.**

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини қуриб чиқувчи комиссияси йигилишининг 2010 йил 7 майдаги 59 сонли баённомаси, «Гулистон» ММТП ҳудудида фаолият қурсатиб келаётган «Қунғилочик неъматлари» фермер ҳужалигининг 2010 йил 22 апрелдаги 1 рақамли розилик хати, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, Самарқанд вилоят Давлат экологик экспертизаси томонидан 2010 йил 12 майдаги 436 рақамли берган ҳулосаси ва фуқаро Халимов Анварни туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини қуриб чиқувчи комиссияси йигилишининг 2010 йил 7 майдаги 59 сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Халимов Анварга «Автокөппинг» қуриш учун «Гулистон» ММТП ҳудудида фаолият қурсатиб келаётган «Қунғилочик неъматлари» фермер ҳужалиги ер харитасининг 912 контуридан 3,0 га мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Халимов Анварга «Автокөппинг» қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси руйхатидан утқишиш вазифаси топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Солиқ тугрисида»ги Қонунга асосан ер солигини ундириш ва «Қунғилочик неъматлари» фермер ҳужалиги ер балансига узгартириш қиритиш ҳамда ер майдонларига эғалиқ қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат руйхатига олиб, тегишли давлат ҳужжатларини бериш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Б.Қодиров зиммасига юқлатилсин.

Туман ҳокими:

Б. Садуллаев

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani



Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

НОКИМИ

ҲОКИМИ

QAROR

2010 yil "6" dekabr

Samarqand tumani

532-Q Sonli

“Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини
“Шўрбоича” маҳалласидаги мавжуд қурилиш
материаллари савдо марказини қайта қуриб
иккинчи қаватида умумий овқатланиш маж-
муаси қуришга рухсат бериш тўғрисида”

“Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Расулов Абдуҳалим туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, тумандаги “Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Шўрбоича” маҳалласи ҳудудидаги мавжуд қурилиш материаллари савдо марказини қайта қуриб иккинчи қаватида умумий овқатланиш мажмуаси қуришга рухсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2010 йил 16 июлдаги 767 сонли Давлат экологик экспертиза хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги 277-сонли ва вилоят ҳокимининг 2009 йил 26 октябрдаги 160-К сонли “Ўзбекистон Республикасининг миллий автомагистрали бўйича йул инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20 моддаси асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Расулов Абдуҳалимга “Кулбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини “Шурбоича” маҳалласи ҳудудида жойлашган мавжуд қурилиш материаллари савдо марказини қайта қуриб иккинчи қаватида умумий овқатланиш мажмуаси қуришга рухсат бериш тўғрисидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Расулов Абдуҳалимга мавжуд қурилиш материаллари савдо марказини қайта қуриб иккинчи қаватида умумий овқатланиш мажмуасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев